

«MICROBOX» – БОСМА НАШРЛАРНИ РАҚАМЛАШТИРИШДА ЕТАКЧИ



Илҳомжон Мухторов,
Бобур номидаги
Андижон вилояти
ахборот-кутубхона
маркази
Ахборот-технология
бўлими мудири

Инсоният тараққий этган сари жамият барча соҳада тобора мукамалликка эришиб боради. Бу жиҳатдан олиб қаралганда, ахборот-кутубхона муассасалари ҳам эътибордан чет-да қолмаяпти. Шу жумладан, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Республикамиз аҳолисига инновацион технологиялар асосида ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш мақсадида самарали ишларни амалга ошириб, соҳа фаолиятини янада ривожлантиришда катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан корейлик мутахассислар ҳамкорлигида «Миллий умумтаълим электрон кутубхона» лойиҳаси доирасида UZ-NELL дастури сўзимизнинг исботи бўла олади. Дастур «LG CNS» компаниясининг етук мутахассислари томонидан ишлаб чиқилди. Лойиҳанинг асосий мақсади ахборот-кутубхона муассасалари фондини электрон шаклга ўтказиш, ягона базага бирлаштириш ва аҳолига масофадан туриб электрон ресурсларнинг тўлиқ матнидан фойдаланишига имконият яратишдир.

Лойиҳа режасига мувофиқ биринчи босқичда Республикамиздаги 20 та йирик ахборот-кутубхона марказлари, иккинчи босқичда эса шаҳар ва туманлардаги барча ахборот-


ресурс марказлари мазкур дастур асосида ўз фаолиятини олиб бориш режалаштирилган. Бунинг учун эса, албатта, замонавий ахборот технологиялари муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳаммамизга маълум. Бу борада ҳам мутахассислар энг ривожланган давлатлар таърибасига таяндилар.

«UZ-NELL» лойиҳаси замонавий ахборот технологияларини татбиқ этишда Ўрта Осиёда биринчи бўлиб Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва Германиянинг MICROBOX фирмаси билан шартнома имзоланди ва ушбу фирма томонидан A0 hornet, A1 flash, A2-Public-Book2, A3 Spirit, Fujitsu-fi6770 рақамлаштириш ускуналари ҳамда HPE Proliant DL380 Gen9 серверлари Ўзбекистонга келтирилди.

Шу ўринда MICROBOX фирмаси ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз. Мазкур фирма нафақат Германиянинг, балки, Европа мамлакатларининг етакчи фирмаларидан бири бўлиб, нашрларни рақамлаштиришда сифатли техника ишлаб чиқариб тақдим этаётган ва бу орқали дунёнинг кўплаб давлатларидан келиб тушадиган буюртмаларни ўз вақтида, сифатли етказиб бериш, дастгоҳларни ўрнатиб бериш ва уни фаолиятга татбиқ этиш бўйича назарий ва амалий ўқув машғулотларини ўтказиб бериши билан аҳамиятлидир. Фирма томонидан 16 хил моделда ишлаб чиқарилаётган сканерлаш дастгоҳлари эса, ўз харидорларига эга. У қарийб 50 йилдан буён ишлаб чиқараётган рақамлаштириш техникалари билан жаҳон бозорида ўз мавқеини сақлаб келмоқда.

Мазкур замонавий ахборот технологияларининг қулайлик томонларидан бири, аввалги лойиҳа асосида Япониянинг Panasonic kv-s7075c дастгоҳида адабиётларни муқова ва саҳифаларидан ажратилган ҳолда рақамлаштирилган бўлса, бугунги кунда A0 hornet semi-robotic, A1 flash semi-robotic, A2-Public-Book2, A3 Spirit дастгоҳларида нашрларни





асл ҳолида ва тез фурсатларда рақамлаштириш имконияти яратилди.

Бу дастгоҳларни яна бир қулайликларидан бири айниқса, A0 hornet semi-robotic, A1 flash semi-robotic сканерлари 84,1x118,9 см ҳажмдаги босма нашрларни 10 сония ичида электрон шаклга ўтказа олади.

A2-Public-Book2 сканерининг аҳамиятли томонларидан бири, вақтли матбуот нашрларнинг энг оммабопларидан бири бу газеталарни 42x59,4 см, ҳажмини эътиборга олсак, уни рақамлаштиришда ҳеч қандай қийинчилик тугилмаслигидадир.

A3 Spirit – сканери эса 29,7x42 см ўлчамдаги газета ва журналлардан тортиб, кичик 10,5x14,8 см ҳажмгача бўлган адабиётларни ҳам жуда сифатли ва юқори тезликда электрон шаклга ўтказа олиш имкониятига эга.

Ушбу рақамлаштириш дастгоҳларида иш олиб бориш учун махсус «Tocosa» дастур ишлаб чиқилган. Бу дастур жуда кўп имкониятларга эга бўлиб, адабиётларни рақамлаштириш давомида асл кўринишида электрон шаклга ўтказди ва JPG, TIFF, PDF форматларида сақлай олади.

Fujitsu-fi6770 – мазкур сканер адабиётларни рақамлаштиришда энг тезкор ва сифатлилиги билан бошқа сканерлардан ажралиб туради. Лойиҳа режасига мувофиқ,

республикамиздаги мавжуд 20 та ахборот-кутубхона марказлари мутахассислари учун семинар-тренинглари ташкил этилиб, лойиҳа мақсад ва вазифалари билан яқиндан таништириш баробарида, бу борада уларнинг касбий малакасини ошириш учун назарий ва амалий машғулотлар ўтказилди.

Келажакда барча ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятига татбиқ этиш ишлари жадаллаштирилмоқда. Мазкур ўқув машғулотларида иштирок этган мутахассис сифатида шуни айтишим мумкинки, ҳозирги кунда фойдаланувчиларга тез ва сифатли ахборот-кутубхона хизматини кўрсатишда инновацион лойиҳаларнинг соҳа фаолиятига татбиқ этишдаги аҳамиятини эътиборга олиб, мазкур лойиҳани республикамизнинг барча ахборот-кутубхона муассасаларига татбиқ этилиши нафақат фойдаланувчиларнинг, балки биз кутубхона мутахассисларнинг ҳам иш унумдорлиги ошишига сабаб бўлади. Ноёб асори-атиқа асарларни рақамлаштириш, уларни келажак авлодларга сифатли етказишимизда, масофадан туриб ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишимизда катта имкониятлар эшигини очиб бериши шубҳасиздир. Зеро, замон талаблари асосида замонавий ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш давр талабига айланиб бормоқда.

Рақамлаштириш дастгоҳларида иш олиб бориш учун махсус «Tocosa» дастур ишлаб чиқилган. Бу дастур жуда кўп имкониятларга эга бўлиб, адабиётларни рақамлаштириш давомида асл кўринишида электрон шаклга ўтказди ва JPG, TIFF, PDF форматларида сақлай олади

Илхомджон Мухтаров, заведующий отделом информационных технологий Андижанского информационно-библиотечного центра имени Бабура.

В статье рассказывается о тренинге, который состоялся при участии Национальной библиотеки Узбекистана для специалистов информационных технологий, в частности, в области оцифровки различных печатных изданий. Тренинг проводили специалисты из ведущей Немецкой компании «MicroBox» совместно с Корейской компанией «LG CNS» в рамках Национальной общеобразовательной электронной библиотеки. В тренинге участвовали ведущие специалисты информационных технологий областных ИБЦ, а также специалисты из Министерства высшего и среднего образования РУз. Целью тренинга являлось обучение управлению сканерами для оцифровки различных размеров печатных изданий, также была освоена специальная программа «Tocosa» для оцифровки книжных изданий в форматах JPG, TIFF и PDF. ■